

**Вилоят ҳокими Шуҳратбек Қўшақбоевич Абдураҳмоновнинг “Наврўз”
умумхалқ байрамидаги
МАёРУЗАСИ**

**Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!
Вилоятимизнинг муҳтарам меҳмонлари!**

Биз Ватанимиз ва эл-юртимизнинг тарихий сана ва айёмларига бағишланган байрамларни катта тайёргарлик ва хурсандчилик билан ўтказамиз. Айни кунларда қутлуғ қадамлари билан диёримизга кириб келаётган, яшариш ва янгилиниш рамзи, шарқона янги йил - Наврўзи оламини кутиб олиш маросимлари ва хурсандчилиги барчамизнинг қалбимизда чексиз ҳаяжон уйғотади.

Фурсатдан фойдаланиб, буюк бобокалонимиз номи билан аталадиган муҳташам боғда ҳуш кайфият билан жамулжам бўлиб ўтирган Сиз азизларга, Сизларнинг тимсолингизда бутун Андижон аҳлига ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни, меҳр-муҳаббатимни билдириб, Наврўз айёми билан табриклаш - мен учун катта бахт эканлигини айтишдан мамнунман.

Қадрли юртдошлар!

Наврўз айёми ўзининг қадимийлиги, табиатимизга уйғунлиги ва гўзаллиги, маъно-мазмунининг теранлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу буюк айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оила энг катта орзу-ниятлар билан кутиб оладилар.

Ана шу дилбар фаслда инсонларнинг бир-бирига меҳрибонлик кўрсатиши, беморларга, муҳтожларга беминнат ёрдами, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиши каби ноёб фазилатлар, албатта, ҳамиша яхшиликка интилишга, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга чорлайди. Бу айёмда турли гина ва аразлар унутилади, уруш ва жанжаллар тўхтади, муросаи мадора, аҳиллик, одамийлик қарор топади. Шарқ мамлакатларида кенг нишонланадиган Наврўзнинг яна бир бетакрор хислати борки, у ҳар қайси уй, ҳар қайси юртда, бутун ер юзида тинчлик ва осойишталикнинг чақириғи сифатида янграйди.

Бугун барчамизнинг фикру зикримизда турган ёрқин эзгуликлар бор. Биз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган Мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этишимиз зарур. Қайноқ давр мобайнида босиб ўтган оғир, машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислоҳотларимиз, кўлга киритган ютуқларимизнинг туб моҳияти - **кеча ким эдигу, бугун ким бўлганлигимиз** ҳар биримизни чуқур мушоҳада юритишга ундаяпти. Шундай тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимизга шукрона келтириб, эртанги кунга дадил қадам ташлаб бормоғимиз керак, албатта.

Қадрли юртдошлар!

Ҳар бир кунимиз ақлни шошириб қўядиган даражада янгиликларга бой. Ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни ривожлантириш орқали кўлга киритаётган ютуқларимиз одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишга, ҳаёт тарзини яхшилашга олиб келиши муқаррар. Ишлаб чиқаришнинг ривожини ободончилик ва қурилиш ишлари кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Дунёда бахтли яшашнинг асосий мезонларидан бири ҳам уй-жой шароитларига эга бўлиш, мухташам бинолар бунёд этилган жойларда умргузаронлик қилиш, замон талаблари даражасида меҳнат шароитларига эришишдан иборат.

Андижон шаҳрининг Эски шаҳар ҳудудидаги бунёдкорлик ишлари вилоятимиз хуснига хусн қўшди. Ҳудуддаги шарқона замонавий меъморий ечим асосида янгитдан барпо бўлган Марказий деҳқон бозоридаги тўкин-сочинлик халқимизнинг феълу атвори, ризқи улуғлиги, қўли очиқлиги, меҳмондўстлигининг ёрқин рамзи десам, янглишмайман. Энди бу ерга келган ҳар бир киши - у хорижий меҳмон бўладими, чекка қишлоқлик ҳамюртимизми - нарх-наводан, озодалик ва ҳалоллик, хизмат ва муомала маданиятидан кўнгли ёришиб чиқиб кетяпти.

Буларнинг барчаси Андижон халқини юракдан севиб, “анжанлик” дея фахр-ифтихор билан тилга оладиган мухтарам Юртбошимизнинг берган йўл-йўриқлари ижросидир.

Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб Тошкентдан Андижонга темир йўл қатнови янгидан йўлга қўйилиши муносабати билан вилоятимиз марказида 350 йўловчига мўлжалланган муҳташам шоҳбекатнинг фойдаланишга топширилиши ҳам Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига муносиб тўёнадир.

Вилоятимизда бу йил 1 минг 139 та намунавий уй-жой қуриляпти. Агар ҳисоб-китоб қилсак, мана шу йўналишга Давлатимиз раҳбари томонидан асос солинганидан буён, Андижонда салкам 4000 та намунали уй-жой қуриб битказилди. Бу қишлоқларимизни комплекс ривожлантириш истиқболларини ҳам очаётир. Президентимизнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир” китобида: “агар мана шундай шинам ва замонавий уйлاردан қуриб берсангиз, мен ҳам Андижонга келиб яшашга тайёрман,” деган эътирофлари бунёдкорларимиз меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Юртимизда эзгу ишларни амалга ошириб яшаш учун барча имкониятлар тўла-тўкис яратилган. Эртанги кунига ишонч билан қарайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, қўлини қаёққа узатса етадиган мана шу элда яшашнинг ўзи саодат.

Вилоятимизнинг ҳар бир фуқароси бу оддий ҳақиқатни сезиб турибди десам асло хато қилмайман. Ҳамюртларимиз ислоҳотлар равнақи, эл-юрт манфаати, хонадонларимиз тўкинлигини кўзлаб белини маҳкам боғляпти, дея қатъий ишонч билан айтишга ҳақлимиз.

Негаки, Республикамиз кўламида амалга оширилаётган ишларнинг бутун бўй-басти вилоятимиз мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Кейинги йиллар ичида вилоят иқтисодиётидаги ўзгаришлар натижасида жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган замонавий корхоналар кўпайди. Янги йўллар қурилаётгани, аввалгилари таъмирдан чиқарилаётганлиги, инфратузилма объектлари бунёд этилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб бораётганлиги хусусида ҳоҳлаганча мисоллар келтиришимиз мумкин.

Байрам арафасида вилоятимиз бўйича умумий қиймати 32 миллиард бир юзу етмиш олти миллион сўмдан зиёд, жами 62 та қурилиш объекти фойдаланишга топширилди.

Кейинги икки йил ичида Андижон шаҳри, Асака, Балиқчи туманларида 144 та хонадондан иборат кўп қаватли “Камолот” уйлари барпо этилди. Уларга Ватанимиз равнақи, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, илм-фан, санъат ва спорт соҳасида юксак натижаларга эришаётган иқтидорли ёшларнинг оилалари кўчиб кирдилар. Жорий йилда яна 202 та шундай ёш оилалар ушбу имкониятдан фойдаланадилар.

Бундан ташқари, Андижон шаҳрининг Навоий шоҳкўчасида замонавий меъморлик андозалари асосида 5 та бино қад ростлади. Бу йил эса яна 6 та шундай уйлар қурилади. Умуман ана шу 11 та иморат учун 66 миллиард сўм маблағ сарфланмоқда.

Ҳар қандай ривожланган мамлакатда сервис соҳаси устувор иқтисодий тармоқ ҳисобланади. Андижонда ҳам айнан шу жабҳага катта эътибор берилиб, ўтган 2015 йилда 24 миллиард сўмлик 484 та сервис ва маиший хизмат соҳасида қурилиш ишлари рўёбга чиқарилди. Бу ишлар жорий йилда ҳам худди шундай кўламда давом эттирилади.

“Соғлом она ва бола йили” давлат дастурида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича бир қатор долзарб вазифалар белгилаб олинган. Қишлоқ жойларда 157 км., жумладан, замонавий қишлоқ массивларида 26 км. ичимлик суви тармоғи тортилади. “Андижон шаҳрининг канализация тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш” дастури якунига етади.

Шуниси қувончлики, бу йил биринчи мартаба томорқа хўжаликларидан фойдаланишда мўлжалланган маррага етдик десак, янглишмайман. Яъни 22 минг гектар ерга озиқ-овқат маҳсулотлари экилди. Чигит экиш бўйича республикада етакчилик қилаётганлимизни ҳам айтиб ўтиш биз учун фахрлидир.

Ғаллакорларимиз эса астойдил меҳнат қилиб, 80 минг гектарга яқин майдонда иккинчи озиқлантиришни ўтказдилар.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури доирасида **саноат соҳасида 677 та** ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Бу лойиҳаларнинг **431 таси янги** корхоналарни ишга тушириш, **246 таси эса мавжудларини кенгайтириш ва модернизация** қилиш ҳисобига амалга оширилди. Булар ва ҳудудий дастурлар ижроси эвазига қарийб 80 минггага яқин иш ўринлари яратилди.

Наврўз ободлик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру-саҳоват айёмидир. Халқимиз бу йил ҳам йилбошини ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмоқда. 12-13 март кунлари ташкил этилган хайрия ҳашарида барча аҳоли қатламлари ўзлари яшаётган, меҳнат қилаётган, таълим олаётган ҳудудларни, ариқ ва зовурлар, кўча ва ҳиёбонлар, муқаддас қадамжо ва қабристонларни тозалаш, ободонлаштириш ишларида қатнашди.

Икки кун давомида 8,5 минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди. 6 минг километрдан ортиқ ариқлар, 941 та зиёратгоҳ ва қабристон тозаланди. 4 миллион тупдан ортиқ дарахтга шакл берилиб, оқланди. 12 миллион тупдан зиёд гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди.

Давлатимиз раҳбари бот-бот таъкидлаганларидек, “Бизга, ўзбек халқига нима керак - тинчлик ва омонлик керак!”. Биз тинчликсевар, осуда ҳаёт, мусаффо осмон учун курашиш, бутун дунё билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшаш ғояларини илгари сурган халқмиз. Биз мана шу қутлуғ кунларда барчага ҳурмат-эътибор билан қараб, халқимизга буюк ривожланиш йўлидаги интилишларига андижонликлар фидойилик билан ҳамқадам бўлишларини очиқ-ойдин айта оламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги Наврўз шодиёнамизда иштирок этаётган барча-барчани, Сизлар орқали бутун Андижон халқини Яшариш ва янгиланиш айёми билан табриклайман! Барчангизга сиҳат-саломатлик, узоқ-умр тилайман!

Эзгу орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин. Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат!